Исмоил ибн Касир

22:16 / 27.04.2017 8548

У киши имом, ҳофиз, муҳаддис, тарихчи бўлиб, асл исмлари Исмоил ибн Умар ибн Касир ад-Димашқий аш-Шофиий, кунялари эса Абулфидодир. 700-ҳижрий, милодий 1301 йилда Шомдаги Бусро вилоятининг Миждал қишлоғида таваллуд топганлар. Тафсир илмига оид мўътабар китоб ёзганлари учун уламолар томонидан Имодуддин дея шарафланганлар. Аллома Ибн Касир илмли, диндор оилада ўсдилар. У кишининг оталари Умар ибн Ҳафс ибн Касир бўлиб, ўз қишлоғларининг машҳур нотиғи, хатиби эдилар. Бўлажак аллома 3 ёшга тўлганларида оталари вафот этдилар. Оталарининг вафотларидан сўнг 707-ҳижрийда ёш Ибн Касирнинг оиласи қишлоқдан Дамашққа кўчиб ўтишди. Бўлажак олимнинг оиласини амакилари Абдулваҳҳоб ўз ҳимоясига олди ва акасининг оиласининг тинчлиги ва фаровонлиги учун бор куч ва ғайратини аямади. Кейинчалик мазкур амакилари ҳақида Ибн Касир шундай деб эслаганлар: “Бир туғишган амаким бор эдилар. Бизга ўта меҳрибон ва ғамхўр эдилар. У киши 750-ҳижрийда вафот этганлар. Илк илмни ушбу амакимнинг қўлларида олганман. Амакимдан қийин илмларни ҳам осонлик билан Аллоҳ насиб этганича олдим”.

Алломанинг устозлари сифатида қуйидаги зотларни келтириб ўтиш мумкин: Шайхул ислом Абулаббос Аҳмад ибн Таймия, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Заҳабий, Шайх Абулаббос Аҳмад ибн Шаҳина, Шайх Абу Исҳоқ Иброҳим ал-Фазорий, Камолиддин Абдулваҳҳоб ибн Қози Шаҳба, Шайх Шамсуддин Абу Наср Муҳаммад Шерозий, Шайх Исбаҳоний, Шайх Баҳоуддин ал-Қосим ибн Асокир, Шайх Умар ибн Абубакр ал-Бустий ва бошқалар.

Алломанинг шогирдлари сифатида эса қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин: Ҳофиз Алоуддин ибн Ҳужжий аш-Шофиий, Муҳаммад ибн Абу Муҳаммад ибн ал-Жазарий, ўғиллари Муҳаммад ибн Исмоил ибн Касир, Имом Ибн Абу-л-Изз ал-Ҳанафий, Ҳофиз Абул Маҳосин ал-Ҳусайний ва бошқалар.

Алломанинг асарлари:

Улумул Қуръон соҳасида:

1. Тафсирул Қуръанил азийм.

2. Фазоилул Қуръан.

Ҳадисшунослик соҳасида:

3. Аҳадисул Усул.

4. Шарҳу Саҳиҳил Бухорий.

5. Ат-Такмил фил журҳ ват таъдил ва маърифатис сиқоти вал мажаҳийл.

6. Ихтисору улумил ҳадис.

7. Жомиъул масанийд вас сунанил ҳадий лиақвами сунан.

8. Муснаду Аби Бакр ас-Сиддиқ розияллоҳу анҳу.

9. Муснаду Умар ибн ал-Хаттоб розияллоҳу анҳу.

10. Ал-Аҳкам ас-Суғро фил ҳадис.

11. Тахрийжу аҳадиси адиллатит танбиҳ фий фиқҳиш шофиийя.

12. Тахрийжу аҳадиси Мухтасари Ибн ал-Ҳожиб.

13. Мухтасару китаби Ал-мадхал ила китабис Сунан лил Байҳақий.

14. Жузъ фий ҳадисис сувар.

15. Жузъ фир радд ала ҳадисис сижл.

16. Жузъ фил аҳадис ал-варидати фий фазли аййамил ушрати мин Зилҳижжа.

17. Жузъ фил аҳадис ал-варидати фий қотлил килаб.

18. Жузъ фил аҳадис ал-варидати фий каффаротил мажлис.

Фиқҳ ва усулул фиқҳ соҳасида:

19. Ал-Аҳкам ал-Кубро.

20. Китабус сиям.

21. Аҳкамут танбиҳ.

22. Жузъ фис солатил вусто.

23. Жузъ фий мийрасул абавайни маъал ихвати.

24. Жузъ физ забийҳа аллатий лам юзкар исмуллоҳи алайҳа.

25. Жузъ фир радди ала китабил жизяти.

26. Жузъ фий фазли явми арафа.

27. Ал-Муқоддамат фий усулил фиқҳ.

Тарих ва маноқиб соҳасида:

28. Ал-Бидоя ван Ниҳоя.

29. Жузъ муфрад фий фатҳил Қустантания.

30. Ас-Сийра ан-Набавия.

31. Табақот аш-Шофиийййа.

32. Ал-Возиҳ ан-Нафис фий маноқиби Муҳаммад ибн Идрис.

33. Маноқибу Ибн Таймия.

34. Муқаддима фил ансаб.

Уламоларнинг Ибн Касир ҳақларида айтган фикрлари:

Ҳофиз Заҳабий шундай дейди: “У киши имом, муфтий, муҳаддис, фақиҳ, муфассир эдилар. Фиқҳ ва ҳадисга оид матнларни ва уларнинг ровийларини батафсил ўргандилар”.

Аллома Ибн Носируддин шундай дейди: “Шайх, имом, аллома, ҳофиз Имодуддин муҳаддисларнинг энг ишончлиси, тарихчиларнинг устуни, муфассирларнинг пешқадами эдилар”.

Ибн Туғрий Бардий айтади: “У зот доим илм билан машғул эдилар. Фиқҳ, тафсир, араб тили ва бошқа илмларда ўта моҳир эдилар. Вафот этгунларига қадар фатво бериш ва дарс беришдан тўхтамадилар”.

Ибн Ҳажар Асқалоний айтадилар: “Барча хизматга доим тайёр эдилар, ўрганган илмларининг барчасини ёддан билардилар, кишиларнинг

кўнглини олишга, кайфиятларини кўтаришга жуда уста эдилар. Ёзган асарлари тирикликларидаёқ турли ўлкаларга тарқалган эди, вафотларидан кейин ҳам инсонлар мазкур асарлардан кўп фойда олдилар”.

Айний айтадилар: “У зот уламолар ва ҳофизлар учун энг ёрқин намуна, маъно ва лафз аҳли (тилшунослар, луғатшунослар)нинг устуни эдилар. Ҳадис, тафсир, тарих борасида ўта моҳир эдилар. Забт ва таҳрирда у кишига етадигани йўқ эди”.

Довудий айтадилар: “У зот матнларни ёдлашга, ҳадисларнинг санадлари, иллатлари, ровийларини билишга ҳамда тарих илмини мукаммал эгаллашга киришдилар ва йигитлик чоғларидаёқ бу нарсаларнинг моҳир билимдонига айландилар”.

Вафотлари:

774-ҳижрий йилнинг 26-Шаъбон пайшанба куни Дамашқда вафот этдилар. “Суфийя” қабристонига, шайхлари Ибн Таймиянинг ёнига дафн этилдилар. Ибн Носируддин шундай дейдилар: “У кишининг жанозаси жуда катта маросимга айланиб кетди. Ўзларининг васиятларига биноан “Суфийя” қабристонидаги устозлари Шайхул ислом Ибн Таймиянинг ёнига дафн қилиндилар”.

Аллоҳ таоло Ҳофиз, диннинг устуни Ибн Касирнинг қабрларини нурларга тўлдириб, жойларини Фирдавс жаннатидан қилсин. Қолдирган илмларидан барчаларимизни баҳраманд айласин. Омин!

Нозимжон Иминжонов,
Имом Бухорий номли
Тошкент ислом институтининг
битирувчиси